

Ф.Ш.Қўчқоров,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси тингловчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ДАРОМАД БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШДА ФАКТОРИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банкларининг даромад базасини кенгайтиришда банк хизматлари диверсификация даражасини ошириш муҳим амҳамият касб этишини тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билан тинишиб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон тижорат банкларида факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби, ўзига хос жиҳатлари асослаб берилган. Илмий мақола якунида тадқиқот натижалари натижаларини умумлаштирган ҳолда, хулосалар ҳамда факторинг операцияларини ривожлантириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: факторинг, консигнацион, тўлов лаёқати, сессия, регресс ҳуқуқи, фактор, дебитор, счёт-фактура

Аннотация: В данной статье обсуждается важность увеличения диверсификации банковских услуг в расширении доходной базы коммерческих банков. Также обоснованы порядок и особенности факторинговых операций в коммерческих банках Узбекистана. В завершении научная статья, подведение итогов исследования, выводы и предложения и рекомендации по развитию факторинговых операций.

Ключевые слова: факторинг, консигнация, платежеспособность, сессия, право регресса, фактор, дебиторская задолженность, счет-фактура

Annotation: This article discusses the importance of increasing the diversification of banking services in expanding the revenue base of commercial banks. The procedure and features of factoring operations in commercial banks of Uzbekistan are also substantiated. At the end of the scientific article, summing up the results of the study, conclusions and proposals and recommendations for the development of factoring operations.

Key words: factoring, consignment, solvency, session, recourse, factor, accounts receivable, invoice.

Кириш

Халқаро банк амалиётида уч юздан ортиқ банк операциялари мавжуд. Чунки ишлаб чиқаришнинг тинимсиз ривожланиб бориши, жамиятнинг янада банк хизматларига бўлган талабни доимий равишда ортиб бориши тижорат банкларидан банк хизмати соҳасида янада янги хизмат турларини ишлаб чиқишни ва амалиётга тадбиқ этишни тақозо этади. Агарда бу соҳада рақобат оламида бошқа тижорат банкларидан орқада қолиб кетса, у ҳолда бу банк ёки «синади» ёки банк хизмати оламида миждоз талабига мос хизматларини ўз вақтида таклиф этаётган банк томонидан «ютиб» юборилади. Янги банк хизмат

турларидан бири бўлиб факторинг ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки факторинг банк учун ноаънанавий хизмат тўғри ҳисобланади, чунки факторинг операция билан махсус факторинг компаниялари ҳам шуғулланадилар. Хориж тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, факторинг операцияларини олиб борувчи факторинг компаниялари ёки биронта йирик банк билан боғланган, ёки биронта банкнинг шуъба шахобчаси ва баъзи ҳолларда банкларининг ўзи бўлиб ҳисобланади.

Айни пайтда, республикамиз тижорат банкларининг факторинг операцияларини ривожлантириш борасида айрим муаммоларнинг мавжудлиги кузатилмоқда. Хусусан, факторинг кредитларининг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи паст даражада қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси амалиётида факторинг операцияларини ривожлантириш борасида қатор муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу операцияларни ривожлантириш масаласини мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради ва мазкур магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хорижий ва маҳаллий тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларида тижорат банкларида факторинг операцияларини ривожлантириш, уларнинг даромад базасини оширишдаги ҳиссасини ошириш хусусида хилма-хил илмий-назарий қарашлар мавжуд.

Тижорат банкларида факторинг амалиётини кенгайтириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар - И.Покаместов [1], О.Лаврушин [2], Е.Жарковская [3], В.Бородин [4], Х.Сотоларнинг [5] илмий изланишларида ўз аксини топган.

Хусусан, иқтисодчи олим И.Покаместов фикрига кўра, факторинг операцияларининг моҳиятини тушуниш ва уларни амалга ошириш жараёнини оқилона ташкил этиш натижасида факторинг молиялаштиришнинг кенг тарқалган шакллари (кредит ва овердрафт) нисбатан паст рискли операция ҳисобланади [1].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Д.Саидов [6], Ш.Абдуллаева [7], И.Алимардонов [8] илмий ишларида тижорат банкларида факторинг амалиётини ривожлантиришнинг алоҳида назарий ва амалий масалалари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси

Илмий ишни амалга оширишда тижорат банклари даромад базасини оширишда факторинг операцияларининг улушини ошириш бўйича олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар

Факторинг - бу тижорат банки ёки фактор компанияси томонидан жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича юзага келган дебитор қарздорликни дисконтланган ҳолда бирдан тўлаб бериш шарти асосида регресс ҳуқуқи билан ёки регресс ҳуқуқисиз сотиб олинишидир.

Агар факторинг операцияларидан олинган даромад суммасининг ўсиш суръати факторинг операциялари суммасининг ўсиш суръатидан юқори бўлса ёки тенг бўлса, у ҳолда, факторинг операцияси самарадорлигини талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин. Агар факторинг операцияларидан олинган даромад суммасининг ўсиш суръати факторинг операциялари суммасининг ўсиш суръатидан паст бўлса, у ҳолда, факторинг операциясининг самарадорлиги талаб даражасида эмас, деб ҳисобланади.

Факторинг операциялари мижозларнинг асосий депозит счётлари мавжуд бўлган банкларда шартнома асосида амалга оширилади. Тўловчининг факторинг операциялари бўйича молиявий агентга товар ва хизматлар учун маблағ тўлаш муддати 90 кундан ошмаслиги талаб этилади, экспорт шартномалари бўйича эса факторинг операциялари банклар томонидан хорижий валютада муддати 60 кундан ортиқ бўлмаган талаб қилиб олгунга қадар депозит счётига эга корхона ва ташкилотларга кўрсатилади. Қонунчиликка кўра, ўз муддатида тўланмаган маблағларни ундириш мақсадида банклар чоралар қўллаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан:

- бюджет ташкилотлари талаблари бўйича;
- жисмоний шахслар қарз мажбуриятлари бўйича;
- тўловга лаёқатсиз деб эълон қилинган корхоналар мажбуриятлари бўйича;
- зарар кўриб ишловчи корхоналар бўйича;
- ноликвид балансга эга корхоналар бўйича;
- капитал қўйилмаларни молиялаштириш бўйича;
- консигнацион экспорт шартномалари бўйича;
- компенсацион ва бартер шартномалар бўйича;
- босқичли ёки аванс асосида бажарилувчи ишлар тўлови бўйича;
- маълум даврдан сўнг ҳаридор маҳсулотини қайтариб бериш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича факторинг операцияларини амалга ошириш таъқиқланади.


Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётида факторинг операцияларини ташкил этиш кўламлари, шакл ва услублари хали шаклланиш жараёнини ўтамоқда ва унинг кенг тараққиёти тижорат банкларининг иқтисодий ислохотлар самарали амалга оширилишининг «ўзига хос локомативи» сифатидаги вазифаларининг бажарилиши учун муҳим ҳаётий зарурият ҳисобланади.

Мижозларнинг у ёки бу тармоққа тегишлилиги таҳлили жараёнида факторинг компанияси учун умуман ноқулай ва зарарли бўлган тармоқларни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Бундай тармоқлар қаторига қурилиш ва узоқ муддат

давомида тўловлар вақти-вақти билан қисмларга бўлиб амалга ошириладиган тармоқлар киради. Шу билан бирга факторинг компаниялари учун шундай тармоқлар ҳам нокулайдирки, уларда сотиб олувчи тўловни учинчи томондан тўлов мажбурияти бажарилгунга қадар тўхтатиб туради (бундай ҳисоб-китоблар саноатнинг қайта ишлаш соҳалари учун хосдир).

Банк фаолиятида, купинча, факторинг операцияларини ўтказиш жараёнида шундай муаммолар вужудга келадики, мол етказиб берувчилар сотиб олувчиларга сотиб олинмаган маҳсулот ҳажмига боғлиқ бўлган кўплаб енгилликларни ваъда қилиб юбордилар. Мазкур енгилликлар ҳисоб-китоблар тартибини мавҳумлаштириб қўяди ва уни тўлаш муддатини ноаниқ қилиб қўядики, бу ҳолат факторинг бўлими томонидан молиялаштиришнинг оптимал лимитини ўрнатишга имкон бермайди.

Амалиётда банк (факторинг компанияси) ва мижоз ўртасида тузиладиган факторинг шартномасини тузиш тартибини қуйидаги схемада акс эттириб бериш мумкин.



1-расм. Факторинг битимини тузиш ва амалга ошириш механизми

Одатда, банк ёки факторинг компанияси корхонадан ариза-мурожаатномани олиб, 1-2 ҳафта мобайнида мижознинг молиявий ва иқтисодий ахволини, унинг хўжалик фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиқади. Агар корхона банкнинг мижози бўлиб қолган бўлса, у ҳолда у банкка харидор учун тақдим этиладиган барча счет-фактураларни беради. Банк барча счет-фактураларни, шунингдек харидорнинг тўловга қобиллигини тўлиқ ўрганиб чиқади. Бу муддат 24 соатдан 2 ҳафтагача чўзилиши мумкин. Шундан сўнг банк тўловни белгиланган муддатда ёки ундан аввал ҳам амалга ошириши мумкин.

Факторинг операцияларида банк счёт-фактура қийматининг, одатда, 80 фоизи миқдорида, айрим ҳолатларда эса, масалан, корхонанинг мазкур банк учун жуда ишончли миқозга айланиб қолганлиги сабабли ҳам маҳсулот қийматининг 90 фоизига миқдорини ўтказиб бериши мумкин. Қолган 10-20 фоизи эса, захира ҳисобланади, яъни тўловнинг қолган қисми дебитор томонидан барча қарз суммалари қайтарилгандан сўнг банк томонидан амалга оширилади. Республикамиз банк амалиётида факторинг хизматлари нафақат мол етказиб берувчига, балки товарларни сотиб олувчига ҳам кўрсатилади. Бунда тижорат банки сотиб олувчининг тўлов мажбуриятлари бўйича тўловни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги пайтда тўлов муддатларига риоя қилиш, ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг дебитор ва кредитор қарздорликларини имкон борича камайтиришга жиддий эътибор берилмоқда. Банк факторлар фаолияти, айнан товар етказиб берувчилар ва харидорлар ўртасидаги муносабатларда тўловлар rischi ва муддатлилик муаммосини хал қилиш, ушбу муносабатларнинг барқарор бўлишига кумаклашиши керак.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда:

- республикамиз тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган факторинг операциялари жўнатилган товарлар бўйича юзага келган дебитор қарздорликни дисконт асосида сотиб олишга асосланган;

- хорижий банklar амалиётидан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган факторинг операцияларининг муддати Марказий банк томонидан чеклаб қўйилган;

- республикамиз банк амалиётида конфиденциал факторинг тури ҳам қўлланилиб, унда тижорат банки сотиб олувчининг тўлов мажбуриятлари бўйича тўловни амалга оширади;

- мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида дебитор-кредитор қарздорликни қисқартириш муаммосининг мавжудлиги банklar томонидан кўрсатилаётган факторинг хизмати кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Республикамиз тижорат банklarининг факторинг амалиётини кенгайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадига мувофиқдир:

1. Факторинг кредитларининг таъминоти сифатида осон сотиладиган ва бозор соҳасини аниқлаш имкони бўлган объектлар гаров сифатида олиниши зарур.

2. Тижорат банklarининг ишончли, молиявий барқарор бўлган миқозлар гуруҳига халқаро факторинг хизмати кўрсатиш йўли билан факторинг операциялари миқдори ва даромадлилигини ошириш зарур.

3. Кичик бизнес субъектларига халқаро факторинг кредитлари бериш ҳажмини ошириш мақсадида, биринчидан, кичик бизнес субъектларининг экспорт тушумини форвад шартномаси асосида сотиб олиш йўли билан факторинг кредитларини қайтарилиш тартибини жорий қилиш керак.

Иккинчидан, халқаро факторинг кредитлари барқарор экспорт тушумига эга бўлган ва муддати ўтган қарз мажбуриятлари мавжуд бўлмаган кичик бизнес субъектларига берилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Покаместов И.Е., Леднев М.В. Факторинг. Учебник. Москва-2013.- 87с.
2. Банковское дело: Учебник. Под. ред. Лаврушина О.И. - М.: КноРус, 2008. - 768 с;
3. Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: “Омега-Л”, 2008.-476 с.;
4. Бородин В.И. Международный факторинг как внешнеэкономическая сделка/Международные банковские операции. -Москва, 2008. - №1. - С. 29-36.;
5. Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – М.: Социум, 2008. -663 с.;
6. Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқ. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс. – Тошкент: БМА, 2008. -133 б.;
7. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: Молия, 2002 й. - 304 б.;
8. Алимардонов И.М. Ўзбекистонда ипотекали кредитлашни ривожлантириш истиқболлари. Иқ. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2009. -20 б.;